

УДК: 591.531.44

Темирова М.Б.

магистрант биологии

Андижанского государственного университета

БИОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПТИЦЕВОДСТВА

Аннотация: В данной статье рассматриваются биологические особенности птицеводства и его практическое значение, а также даются некоторые рекомендации по развитию птицеводства.

Ключевые слова: птица, мясо-яичное направление, бройлер, курицы, утки, гуси, яйцо.

Темирова М.Б.

биология магистранти

Андижон давлат университети

ПАРРАНДАЧИЛИКНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада паррандачиликнинг биологик хусусиятлари ҳамда унинг амалий аҳамияти хусусида фикр юритилган ва паррандачиликни ривожлантириш бўйича айрим тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: паррандачилик, гўшт-тухум йўналиши, бройлер, товуқ, ўрдак, гоз, тухум.

Temirova M.B.

master student in biology

Andijan State University

BIOLOGICAL CHARACTERISTICS OF POULTRY

Annotation: This article discusses the biological features of poultry farming and its practical importance, and gives some recommendations for the development of poultry farming.

Key words: poultry, meat-egg direction, broiler, chicken, duck, goose, egg.

Республикада паррандачилик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ички ва ташқи бозорларга йўналтириш учун

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, паррандачилик хўжалиklarининг озуқага бўлган талабини барқарор таъминлаш механизмларини йўлга қўйиш, соҳага кенг аҳоли қатламларини жалб этиш, тармоқда илмий-техник ёндашувлар ва ахборот технологиясидан самарали фойдаланишни ташкил этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада паррандачилик ва унинг биологик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Паррандачилик чорвачиликнинг сердаромад, тез кўпайувчи ва етилувчи тармоғи ҳисобланади. Паррандачилик аҳолига сифатли тухум ва парранда гўшти етказиб беришда катта аҳамиятга эга. Айниқса, товук, ўрдак ва ғозчилик билан шуғулланувчи тармоқлари қишлоқ хўжалик паррандачилигининг асосий ва етакчи йўналишлари ҳисобланади.

Парранда гўшти тез ҳазм бўлиш хусусиятига кўра барча турдаги чорва моллари гўшtidан устун туради. Таркиби ҳар хил кимёвий элементларга бой. Жумладан, 2 ойлик жўжа гўштида 20% га яқин оқсил, 10-12% ёғ бўлади. Тухумида 13% оқсил, 11% ёғ, 1% минерал моддалар ва витаминлар мавжуд. Тўйимлилиги жиҳатидан 10 дона товук тухуми калорияси 0,8 кг. мол гўшти калориясига тўғри келади. Тухум таркибида 85% га яқин сув бўлиб, қолгани оқсил, витамин ва ферментлардан иборат. Тухум сариғи 52% сув, 32% ёғ ва 16% га яқин оқсилдан иборат. Шунингдек, паррандачилик жуда тез етиладиган, тез кўпаядиган ва семириши учун кам озуқа сарфланадиган чорвачилик тармоғи ҳам ҳисобланади. Масалан, товук жўжалари 5-6 ойлигида тухумга киради, биринчи йилда 150-200 та тухум беради.

Гўшт учун боқиладиган товук жўжалари 55-60 кун ичида 1,5-1,8 кг. семиради, 1 кг. семириши учун ўртача 2,6-2,8 кг. озуқа сарфланади. 50 кунлик ўрдаклар вазни 2 кг.га етади, бир йилда 100-150 дона тухум олиш мумкин. Ғозлар 65-75 кунлигида вазни 4-4,5 кг.га етади, ҳар 1 кг. сем и р и ш и учун 4-4,5 кг. о зу қ а сарфланади. Ҳар бир бош ғознинг йил давомида

берган насли ҳисобидан 70-75 кг., куркалардан эса 200 кг. гушт етиштириш мумкин. Уларнинг жўжалари 6 ойлигида 5-6 кг., баъзан 8-9 кг. ва ундан ҳам оғирроқ бўлади. Паррандаларнинг серпуштлиги уларнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, бу бир қанча омилларга боғлиқ. Масалан, паррандаларнинг тури, зоти, ёши, боқиш усуллари, йилнинг фасли ва индивидуал хусусиятлари шулар жумласидан (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Паррандаларда серпуштлик (тухум бериши)нинг ёшга қараб ўзгариши

Парранда турлари			Ёши (йил ҳисобида)				
			1	2	3	4	5
Товук	тухум йўналишида	ўртача(%)	270 100	230 85,2	197 73,0	169 62,6	148 54,8
	гўшт-тухум йўналишида	ўртача(%)	180 100	140 77,8	110 61,1	90 50,0	65 36,1
Ўрдак		ўртача(%)	110 100	120 109	90 81,8	80 72,7	60 54,5
		ўртача(%)	40 100	50 125	65 162,5	60 150	30 75
Ғоз		ўртача(%)	90 100	96 106,7	85 94,4	68 75,6	34 37,8
		ўртача(%)					

Манба: Курбонов Р. Паррандачилик сирлари. –Т.: Meriyus, 2013. 96 б.

Паррандаларнинг тухум қилиши қиш ойларида камаяди, баҳорда эса жадаллашади. Қиш вақтида олинган тухум сонини аниқлаш мақсадида 4 ой (ноябрь-февраль ойлари) мобайнида етиштирилган тухумлар ҳисобга олинади. Паррандаларнинг биринчи тухум қилган кунигача ўтган вақт физиологик етилувчанлик даври деб аталади. Бу давр турли паррандаларда турлича: масалан, тухум йўналишидаги товуқларда 120-150 кун, гушт-тухум йўналишидаги товуқларда 150-180 кун, куркаларда 220-320 кун, гўшт-тухум йўналишидаги ўрдакларда 200-260 кун, гўшт йўналишидаги ўрдакларда 280-330 кун, ғозларда 250-330 кун бўлади. Паррандаларнинг туллаш вақтига қадар берган тухум сони тухум бериш цикли деб аталади.

Парранда тухумларининг вазни уларнинг турига кўра ҳар хил бўлади. Масалан, товуқ тухуми 55-62 грамм, ўрдак ва курка тухумлари 80-100 грамм, ғозники эса 110-180 грамм бўлади. Паррандаларнинг вазни алоҳида

ва гуруҳ қилиб, тарозида тортиб, аниқланади. Лекин тухум йўналишидаги жўжалар 150 кунлигида, гўшт йўналишидагилари эса асосий гуруҳга ўтказиш ёки гўшт учун сўйиш вақтида аниқланади. Паррандаларнинг гўшт маҳсулдорлиги уларнинг қуйидаги кўрсаткичлари асосида аниқланади:

- ✓ танаси шакли - формаси, кўкрак ва оёқ (сон)ларининг гўшторлик хусусияти, гўштининг сорти ва сифати;
- ✓ танадаги гўшт ва суяк ҳамда уларнинг ўзаро нисбати;
- ✓ гўшт учун сўйилган вақтдаги вазни;
- ✓ ана шу даврга қадар бўлган ўсиш тезлиги ва бошқалар.

Сифатли парранда гўшти етиштиришда ихтисослаштирилган паррандачилик фабрика ва комплекслари салмоқли ўрин эгаллайди. Бу борада бройлер (гўштбоп) жўжа гўшти етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Бройлер гўшт йўналишидаги зотдор тур ҳисобланиб, мазаси ва парҳезбоплиги билан катта аҳамиятга эга. Тухумдан чиққан жўжа 55-65 кунлигига қадар жадал усулда боқилса, кифоя. Улардан 1 кг. гўшт маҳсулоти олиш учун 2-2,5 кг. омихта ем сарфланади.

Товуқларни гуруҳларга бўлишда уларнинг асосий маҳсулоти ҳисобга олинади. Масалан, тухум йўналишидаги товуқларнинг вазни 1,8-2,2 кг., тухум-гўшт йўналишидагиларники 2,5-3,5 кг., гўшт йўналишидаги товуқларники 3,9 кг. ва ундан кўпроқ бўлади.

Товуқларни тез ва соғлом етиштиришда юқорида келтириб ўтилган биологик хусусиятлари ҳисобга олиниш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб паррандачиликни ривожлантиришда қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқилди:

✓ жўжаларни дастлабки кунлардан нобуд бўлишини олдини олиш ва соғлом ривожланиши учун боқиладиган хоналар кенг ва ёруғ бўлиши ва дезинфекция қилиш лозим;

✓ Жўжа ўстириладиган хонанинг ҳарорати биринчи ҳафтада 33-28, иккинчи ҳафтада 28-26, учинчи ҳафтада 26-24, тўртинчи ҳафтада 24-22,

бешинчи ҳафтада 22-20, олтинчи ҳафтада 20-18 даража иссиқ бўлиши лозим;

✓ Паррандахона поли иссиқ, мустаҳкам, текис ва силлиқ бўлиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунинг учун полга 15–20 см курук материал тўшалиши лозим.

✓ Жўжа боқиладиган хоналарнинг ҳар 100 бошга мўлжаллаб алоҳида катакларга ажратиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир;

✓ Ёш жўжалар турли ошқозон-ичак касалликларига чалинувчанлигини ҳисобга олиб, унинг олдини олиш учун сувдонлардаги сув 1 кунда икки марта алмаштирилади ва ҳафтада икки марта оч пуштиранг марганцовка эритмаси солиб туриш лозим;

✓ Жўжаларни пуллороз-тиф касаллиги, ўлат (ньюкасл) касаллигига қарши эмлаш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Паррандачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-281-сон қарори (<https://lex.uz/docs/6066678>)

2. Икромов Т.Х. Чорвачилик. –Т.: Мехнат, 1985. 172 б.

3. Эстерман М.Т. Куры, Гусы, Утки. –М.: Астрель, 2003. 105 ст.

4. Қурбонов Р. Паррандачилик сирлари. –Т.: Meriyus, 2013. 96 б.

5. <https://agro-olam.uz/parrandachilik-buyicha-tavsiyalar/>